



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2022 йил «28» февраль

89-11-0-Q/22

Фарғона вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда “Инсон кадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси (кейинги ўринларда - Тараққиёт стратегияси) ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда - Давлат дастури) 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқланганлиги;

Тараққиёт стратегиясида инсон кадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинганлиги;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш йўлга қўйилганлиги;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилганлиги;

маҳалланинг “фаол” моделини жорий этиш, уни аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида 2022 йилда:

маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари фаолияти самарали йўлга қўйилганлиги;

барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилиб, маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгиланганлиги;

маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилиши;

маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, молиявий имкониятлари кенгайтирилиши;

маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда

истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги оширилиши;

маҳалла худудида давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чоратадбирлар амалга оширилиши;

маҳаллани жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан маҳалла раиси томонидан маҳаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритишнинг самарали механизмлари йўлга қўйилиши;

фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш институти жорий этилиши;

Тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3,0 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилганлиги;

б) ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида:

умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 605,0 млрд.сўм ажратилганлиги;

141 мингта янги ўқув ўринлари яратилиши ва уларнинг сони 2026 йил якунига қадар 6,4 миллион сўмгача етказилиши;

Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2022 йилда йиллик инфляция даражасини 9 фоизгача ва 2023 йилда 5 фоиз ҳамда фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилиши;

Бунда, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқарилиши;

б) 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси 15 фоизгача туширилиши;

в) “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилиши;

2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш тартиби жорий этилиши ҳамда такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилиши;

2022 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари:

айрим фаолият турларига фақат малакавий талабларни белгилаш орқали бино ва иншоот, хона, асбоб-ускуна, техника воситалари, бошқа жиҳозлар ҳамда уларга бўлган шартларни бекор қилиш;

фаолият йўналишидаги эҳтиёждан келиб чиқиб мутахассисни танлаш ҳуқуқини бериш орқали штатида мавжуд бўлиши шарт бўлган ходимларга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш;

муайян фаолият билан кўчма тартибда, шу жумладан автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда шуғулланиш имкониятини яратиш;

хизмат кўрсатиш мамлакат ҳудудидан ташқарисида амалга оширилиши сабабли хориждан келган буюртмалар бўйича миллий стандарт ва талабларни бекор қилиш;

“боғловчи-оператор” сифатида масофавий хизматни кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари (агрегаторлар) фаолиятига доир махсус шартларни белгилаш орқали айрим лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш бўйича талабларни бекор қилишни инобатга олган ҳолда соддалаштирилиши;

иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор учун

кенг йўл очиш мақсадида эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисобига 25 дан ортиқ фаолият тури (2022 йилда - 14 та, шу жумладан сертификатлаштириш хизматлари, 2023 - 2025 йилларда - 11 та, шу жумладан нефть маҳсулотларини сақлаш, темир йўлларда ташишда қўшимча хизматларни кўрсатиш, аэровокзал ва вокзал олди комплексларини юритиш хизматлари, темир йўлда экспедиторлик хизматлари) бўйича монополиялар тугатилиши;

Тараққиёт стратегиясида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида ҳудудлар билан ишлашнинг:

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилиши;

ҳар чорак якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига, Бош вазирнинг ўринбосарлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари эса Олий Мажлис палаталарига ҳисобот бериши;

ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим лойиҳалар барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокамадан кейин қабул қилинишини назарда тутувчи янги тартиби ўрнатилиши;

Давлат бошқаруви органларининг “Давлат - инсон учун” тамойили асосида ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш ҳамда уларнинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш мақсадида:

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга

қўйилганлиги;

барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилганлиги;

давлат органларида мурожаатларни таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб борилиши;

давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш тизими яратилганлиги;

хар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилганлиги;

Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлигини ошириш, уларнинг кўрсатилишида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинишини таъминлаш мақсадида 2022 йилда:

фуқароларга ҳужжатларни бериш ва алмаштиришда, шунингдек ўзаро боғлиқ давлат хизматларини мурожаатни кутмасдан таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилганлиги;

“Фуқароларнинг рақамли паспорти” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан туғилганлик тўғрисида ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, шаҳодатнома ва диплом каби муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинганлиги;

кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилганлиги;

Тараққиёт стратегиясида адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилганлиги;

қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминланиши;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилганлиги;

жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тизими жорий қилинганлиги;

ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилганлиги;

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси ҳамда унинг ишчи гуруҳи таркиблари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқланганлиги;

Комиссия ва ишчи гуруҳ зиммасига Тараққиёт стратегиясига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, уни 2023-2026 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларининг тайёрланишини мувофиқлаштириш вазифаси юкланганлиги;

Тараққиёт стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланиши;

Тараққиёт стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид вилоят ҳудудий дастури 1-иловага;

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурни ижросини ташкил этиш ва назоратини

таъминлаш бўйича вилоят Ишчи гуруҳи **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Исақов, Ф.Қосимов Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Мамаджонов), Қурилиш бош бошқармаси (Рахмонов), вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” компанияси (Долимов), вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Зокиров), шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** бирламчи тиббий хизматини “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйишда 10 та оилавий шифокор пункти ва 6 та оилавий поликлиникалар қурилишини сифатли амалга ошириб, фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

5. Адлия бошқармаси (Хасанов) тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда **бир ой муддатда** лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар талабларини мазкур Фармоннинг 10-бандига мувофиқ қайта кўриб, Адлия вазирлигига таклиф киритсин.

6. Вилоят Ишчи гуруҳи (Уринбоев, Исақов, Эргашев, Турсунов, Қосимов, Холиқов, Ахмедов, Хатамов) Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида назарда тутилган Фарғона вилоятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар билан ҳамкорликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, нодавлат ноижорат ташкилотларининг Давлат дастурида белгиланган вазифаларни белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилишини ҳар ойда назорат қилиб борсин ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Давлат дастурини бажарилишини таҳлил қилиш ҳамда мувофиқлаштириб бориш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳузурида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Марказий банк, Молия, Солиқ, Бандлик, Адлия, Инвестициялар ва ташқи савдо, Соғлиқни сақлаш, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармалари, таълим муассасалари ҳамда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят бўлимларининг бир нафардан малакали ходимларини жалб этган ҳолда, Мониторинг гуруҳи ташкил этилсин;

Мониторинг гуруҳи, Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда яқунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни, таҳлилий ахборот

кўринишида акс эттирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимлигига киритиб борилиши таъминласин.

8. Шаҳар ва туман ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда Тараққиёт стратегиясида назарда тутилган устувор йўналишларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан зарурий чора-тадбирларни белгиласин ва ўзларининг тегишли қарорлари билан тасдиқласин;

ҳудудий дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин;

Тараққиёт стратегиясида назарда тутилган устувор йўналишларни ҳамда ҳудудий дастурнинг бажарилиши тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни **ҳар ойнинг 25 санасига қадар** вилоят ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган Мониторинг гуруҳига тақдим этиб борсин.

9. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти шаҳар ва туманлар Кенгашлари котибиятлари билан биргаликда:

вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича **ўн кун муддатда** чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва ҳар ойда ўз мажлисларида муҳокама қилиб борсин;

сиёсий партияларнинг вилоят Кенгаши раислари ҳамда халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари раислари маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан мунтазам ўрганишларни амалга ошириш, ўрганиш натижалари бўйича доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокамалар ўтказиб бориш, белгиланган вазифалар ижросига масъул бўлган раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш тизимини жорий этсин ҳамда бу борада бошқарма, ташкилот ва ҳокимликлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқсин.

10. Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (Рўзиев) ҳар ойда камида бир марта ҳудудий дастурнинг бажарлиши юзасидан таҳлилий

маълумотларни вилоят ҳокими ҳузурида ўтказиладиган “ҳокимлик соати” муҳокамаларига киритиб борсин.

11. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати бошлиғи Д.Джумабаев Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси (Аслонов), вилоят телерадиокомпанияси (Обиджонов), “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари бирлашган таҳририяти (Обидов) билан биргаликда мунтазам равишда:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотларни аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров

Farg'ona viloyat hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
89-11-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини
“Инсон қадрини улугʻлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид

ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Table with columns: №, рубрика, муҳим ахборот, мақсад ва асосий натижалари, амалга ошириш шакли, муддати, амалга ошириш жарадидан (институт-тарафий маълумот), янароқ қўлланчлар, масъул шaxслар. The table contains detailed administrative information and implementation plans for various initiatives in the Fergana region.

Table with columns for ID, Name/Subject, Description, Status, Date, and Responsible Party. Rows 98-104 include projects like 'Tashkent-Alexander' and 'Makhalla' initiatives. Rows 105-108 describe various cultural and social programs.

Farg'ona viloyat hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
89-11-0-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини ташкил этиш ва назоратини таъминлаш бўйича вилоят

ИШЧИ ГУРУҲИ

Ф.И.О.	Иш жойи, лавозими
Х.Бозаров	Вилоят ҳокими, Ишчи гуруҳ раҳбари
А.Уринбоев	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
Х.Исақов	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
И.Эргашев	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
Ф.Қосимов	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
А.Турсунов	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
Б.Холиқов	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
Х.Ахмедов	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
Ж.Хатамов	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
Ишчи гуруҳ аъзолари	
Б.Исмоилов	Вилоят прокурори
М.Жўраев	Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи
Д.Махаматов	Вилоят Маъмурий суди раиси
Ш.Камалов	Вилоят суди раиси
М.Мухиддинов	Ташкилий назорат гуруҳи раҳбари
Ю.Камолов	Вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари
М. Сайдуллаев	Вилоят ҳокимлиги котибият мудири
Б.Хамидов	Вилоят ҳокимлиги котибият мудири
А.Юлдашев	Вилоят ҳокимлиги котибият мудири
<i>Лавозимига кўра</i>	Вилоят ҳокимлиги котибият мудири
Ғ.Бойпўлатов	Вилоят ҳокимлиги котибият мудири
М.Холматов	Вилоят ҳокимлиги котибият мудири
Б.Хасанов	Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи
Р.Алаудинов	Вилоят Фавқулотда вазиятлар бошқармаси бошлиғи
Н.Ғофуров	Вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи
И.Азимов	Давлат Божхона қўмитасининг вилоят бўйича бошқармаси бошлиғи
Ш.Нисбатхонов	Вилоят Давлат Солиқ бошқармаси бошлиғи
З.Рўзалиев	Вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи
Ш.Ахмедов	Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Ф.И.О.	Иш жойи, лавозими
Б.Таштемиров	Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи ўринбосари
Т.Қундузов	Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи
А.Сангинов	Миллий банк бошқарувчиси
Р.Қодиров	Асака банк бошқарувчиси
Х.Абдурахимов	Қишлоққурилиш банк бошқарувчиси
Ш.Абдуллаев	Турон банк бошқарувчиси
А.Маматов	Капитал банк бошқарувчиси
С.Махсимов	Хамкорбанк бошқарувчиси
М.Азимов	Агробанк бошқарувчиси
Э.Олимов	Халқ банки бошқарувчиси
У.Холмирзаев	Ипотека банк бошқарувчиси
Қ.Эркабоев	Саноатқурилишбанк бошқарувчиси
Ш.Эгамбердиев	Алоқа банк бошқарувчиси
И.Алиев	Микрокредитбанк бошқарувчиси
Б.Исмоилов	Инфин банк бошқарувчиси
С.Махмудов	Траст банк бошқарувчиси
Ё.Холмирзаев	Универсалбанк бошқарувчиси
Н.Сотволдиев	Савдогарбанк бошқарувчиси
М.Муратов	Азия Алианс банк бошқарувчиси
А.Султонов	Мадад инвест бошқарувчиси
Н.Ахунжанов	Ипак йўли банки бошқарувчиси
У.Махмудов	Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи
Х.Сирожитдинов	Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
А.Холматов	Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Ш.Мамадалиев	Вилоят Статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
А.Салиев	Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Р.Мирзаахмедов	“Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи
Ю.Қўчқаров	Вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи
М.Темиров Н.Хакимов	Вилоят Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосарлари
Ю.Гафуров	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
В.Ежков	“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали директори
А.Кадиров	Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи
Н.Машрапов	Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи
Б.Жуманов	Вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи
А.Рахмонов	Вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи
О.Иркабоев	Вилоят Транспорт бошқармаси бошлиғи

Ф.И.О.	Иш жойи, лавозими
О.Назиров	Вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи
У.Касимов	“Худудгаз Фарғона” ГТФ директори
А.Сайдалиев	“Фарғона электр тармоқлари худудий корхонаси” АЖ директори
М.Юлдашев	“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ директори
Х.Мамаджанов	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
Б.Шермухаммадов	Фарғона давлат университети ректори
Ў.Саломов	Фарғона политехника институти ректори
Д.Ходжаева	Қўқон давлат педагогика институти ректори
А.Расулов	Тошкент ахборот технологиялар университети Фарғона филиали директори
А.Сиддиков	Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти.
Р.Расулов	Жисмоний тарбия институти Фарғона филиали директори
Ш.Пулатов	Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали директори
Д.Химматов	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали директори
Т.Бойматов	Вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича худудий бошқармаси бошлиғи
Ш.Долимов	Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
Ю.Ходжаева	Вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи
Ж.Тожибаев	Вилоят Маданият бошқармаси бошлиғи
Х.Исламова	Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари
Э.Нуралиев	Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси
	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят худудий бўлинмаси раҳбари
Т.Тожиева	Вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
М.Ғаниев	Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи
<i>Лавозимига қўра</i>	Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши раиси
Э.Сиддикова	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари
А.Саидтаджиев	“Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси вилоят бўлими бошлиғи
Д.Джумабоев	Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари
Ш.Аслонов	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи
Б.Обиджонов	Вилоят Телерадиокомпанияси директори
<i>Лавозимига қўра</i>	Шаҳар ва туманлар ҳокимлари

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади.